

Oriental Journal of Philology**ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**STRUCTURAL-SYNTACTIC MODELS OF PHRASEOLOGICAL UNITS WITH SOMATIC COMPONENTS IN THE ARABIC LANGUAGE****Mushtariybegim K. Mamasoliyeva***PhD Student**Higher School of Arabic Studies**Tashkent State University of Oriental Studies*mamasoliyevamushtariybegim@gmail.com*Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Key words: Arabic language, somatic lexicon, phraseological units, syntactic models, semantic analysis, lexicography, figurative meaning.

Received: 08.05.26**Accepted:** 09.05.26**Published:** 10.05.26

Abstract: This article investigates the structural-syntactic and semantic features of phraseological units with somatic components in the Arabic language. The idioms are analyzed within five main syntactic patterns (genitive, attributive, verbal, nominal, and semi-sentence constructs), and their grammatical functions are revealed. Furthermore, the acquisition of new figurative meanings by somatic units in the language of the modern press, as well as the lexicographic problems associated with recording this process in dictionaries, are highlighted. The results of the research serve to provide a deeper understanding of Arabic phraseology from a linguacultural perspective.

АРАБ ТИЛИДАГИ СОМАТИК КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ СТРУКТУР-СИНТАКТИК МОДЕЛЛАРИ**Муштарийбегим Қ. Мамасолиева***Таянч докторант**Арабишунослик олий мактаби**Тошкент давлат шарқишунослик университети*mamasoliyevamushtariybegim@gmail.com*Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: Араб тили, соматик лексика, фразеологик бирликлар, синтактик моделлар, семантик таҳлил, лексикография, мажозий маъно.

Аннотация: Ушбу мақолада араб тилидаги соматик компонентли фразеологизмларнинг структур-синтактик ва семантик хусусиятлари тадқиқ этилган.

Иборалар бешта асосий синтактик қолип (изофий, васфий, феълли, исмли ва шибх жумлалари бирикмалар) доирасида таҳлил қилиниб, уларнинг грамматик вазифалари очиқ берилган. Шунингдек, замонавий матбуот тилида соматик бирликларнинг янги мажозий маъно касб этиши ҳамда мазкур жараённинг луғатларда қайд этилиши билан боғлиқ лексикографик муаммолар ёритилган. Тадқиқот натижалари араб фразеологиясини лингвомаданий жиҳатдан теранроқ англашга хизмат қилади.

СТРУКТУРНО-СИНТАКСИЧЕСКИЕ МОДЕЛИ ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ С СОМАТИЧЕСКИМ КОМПОНЕНТОМ В АРАБСКОМ ЯЗЫКЕ

Муштарийбегим К. Мамасолиева

Докторант (PhD)

Высшая школа арабистики

Ташкентский государственный университет востоковедения

mamasoliyevamushtariybegim@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Арабский язык, соматическая лексика, фразеологические единицы, синтаксические модели, семантический анализ, лексикография, переносное значение.

Аннотация: В данной статье исследуются структурно-синтаксические и семантические особенности фразеологизмов с соматическим компонентом в арабском языке. Фразеологические единицы анализируются в рамках пяти основных синтаксических моделей (изафетные, атрибутивные, глагольные, именные и предложно-обстоятельственные конструкции), раскрываются их грамматические функции. Также освещаются вопросы приобретения соматическими единицами новых переносных значений в языке современной прессы и лексикографические проблемы, связанные с фиксацией этого процесса в словарях. Результаты исследования способствуют более глубокому лингвокультурологическому пониманию арабской фразеологии.

Кириш. Замонавий тилшуносликда инсон омилига асосланган антропоцентрик парадигманинг кучайиши натижасида соматик лексика ва фразеологияга бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Соматик лексика ва соматик фразеология дунёнинг барча тилларида учрайдиган универсал ҳодиса ҳисобланади. Қадимги одамлар учун

антропоморфизм, яъни табиат ҳодисаларини инсонга қиёслаш ва унга тана аъзолари хусусиятларини бериш хос бўлганлиги сабабли, соматик иборалар фразеологизмларнинг энг қадимий қатламларидан бирини ташкил қилади. Араб адабий тилида ҳам, бошқа кўплаб тилларда бўлгани каби, соматизмлар – инсон ёки ҳайвон тана аъзоларини англатувчи сўзлар – фразеологик бирликларни ясашда ниҳоятда фаол иштирок этади. Ушбу ҳодиса инсоннинг борлиқни англашдаги мантиқий-психологик жараёнлари умумийлигига асосланади. Мазкур мақоланинг асосий мақсади араб тилидаги соматик компонентли фразеологик бирликларнинг таркибий-синтактик моделларини таҳлил қилиш, уларнинг грамматик хусусиятларини ҳамда тил тизимидаги синтактик вазифаларини очиб беришдан иборат.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Араб тилидаги иборалар ва уларнинг синтактик қурилиши қатор араб ва ғарб олимлари томонидан турли аспектларда тадқиқ қилинган. Жумладан, доктор Вафа Комил Фаид ўзининг замонавий араб матбуоти ва оммавий ахборот воситалари тилидаги ибораларга бағишланган тадқиқотида уларни бешта асосий синтактик гуруҳга ажратади: изофий, васфий, феълли, исмли ва шибҳ жумлалари бирикмалар. Умумий тилшуносликда эса «соматик» атамаси илк бор фин-угоршунос олим Ф. Вакк томонидан илмий муомалага киритилган бўлиб, у ўз ишида эстон тилидаги инсон тана аъзолари номлари қатнашган ибораларни шундай номлаган. Арабистикада В.С. Морозова ва В.Д. Ушаков каби олимларнинг изланишларида араб тили фразеологиясидаги соматик бирликларнинг лингвомаданий ва таркибий хусусиятлари муайян даражада ёритилган бўлиб, уларда асосан Қуръон ва классик араб тили материалларига таянилган. (Morozova, 2004, pp. 55-56; Fayed, 2001, pp. 895-896).

Мазкур тадқиқотнинг методологик асосини тилшуносликдаги синтактик моделлаштириш ва компонент таҳлил усуллари ташкил этади. Тадқиқот жараёнида араб тилининг энг йирик изоҳли луғатлари, жумладан Х.К. Баранов ҳамда В.М. Борисов луғатлари, шунингдек, «Лисан ал-Араб» каби мумтоз манбалардаги материаллар ўрганилди. Бундан ташқари, назарий қарашларни далиллаш мақсадида замонавий матбуот тилидан олинган соматик фразеологизмлар лингвостатистик ва қиёсий методлар ёрдамида таҳлилга тортилди.

Натижа. Араб тилидаги лексикографик манбаларда 100 дан ортиқ соматик лексемалар қайд этилган бўлиб, улардан фразеологияда энг кўп иштирок этадиган асосий компонентлар қаторига «رأس» (бош), «شعر» (соч), «وجه» (юз), «عين» (кўз), «أنف» (бурун), «أذن» (қулоқ), «فم» (оғиз), «لسان» (тил), «يد» (қўл), «قلب» (юрак) ва «قدم» (оёқ) каби сўзлар киради. Илмий-статистик манбаларга кўра, фразеологик маҳсулдорлик жиҳатидан араб тилида юрак (66 та ибора), бош (49 та), кўз (31 та), қўл (28 та) ва оёқ (19 та) энг фаол соматизмлар

ҳисобланади. Бу кўрсаткич инсоннинг биологик ва ижтимоий ҳаётида мазкур аъзоларнинг нақадар муҳим когнитив вазифа бажариши билан изоҳланади.

Араб тилидаги соматик иборалар таркибий-синтактик нуқтаи назардан қатъий моделларга бўйсунди ва уларни қуйидаги гуруҳларга таснифлаш мақсадга мувофиқ:

1. Изофий бирикма қолипидаги соматик иборалар

Араб фразеологиясида энг кенг тарқалган моделлардан бири музоф, яъни аниқланмиш ва музофун илайҳ, яъни аниқловчидан иборат бўлган изофий бирикмали иборалардир. Араб грамматикасида ушбу қурилмалар предметнинг бошқа предметга мансублигини ёки унинг хос белгисини ифодалаш учун хизмат қилади. Соматик фразеологизмларда кўпинча музоф қисмида тана аъзосини англатувчи лексема, музофун илайҳ қисмида эса абстракт ёки конкрет тушунча келади (Husamuddin, 1985, p. 117).

Сиёсий-ижтимоий ва матбуот тилида кенг қўлланиладиган тана қисмлари иштирокидаги қуйидаги иборалар мазкур моделга ёрқин мисол бўла олади:

«غسل المخ» (мияни ювиш) – психология ва ижтимоий терминологиядан ўзлашган бўлиб, изофий қолипда шаклланган. Ушбу ибора шахснинг онгига таъсир ўтказиш ва уни бошқаришни мажозий маънода ифодалайди.

«نبض الشارع» (кўчанинг пульси) – жамоатчилик фикрини, халқнинг кайфияти ва реакциясини билдирувчи замонавий метафорик изофий бирикма ҳисобланади.

«رأس الأفعى» (илоннинг боши) – хавф-хатарнинг ёки бирор ёвузликнинг асосий ва марказий манбасини ифодалайдиган анъанавий изофий қурилмадир.

«الذراع الطويلة» (узун қўл/тирсак) – таъсир доирасининг кенглиги, қудрат ва имкониятнинг юқорилигига ишора қиладиган соматизм бўлиб, матбуотда тез-тез учрайди.

«ضعيف القلب» (юраги заиф) ва «قاسي القلب» (юраги тош, шафқатсиз) каби иборалар инсон табиати ва характерини ифодаловчи сифатлаш вазифасидаги изофий бирикмалар сирасига киради.

Ушбу моделдаги фразеологизмлар синтактик таҳлилда кўпинча яхлит бир лексик бирлик сифатида қабул қилинади ва гап ичида мубтадо, хабар ёки фоил каби синтактик позицияларни эгаллаши мумкин.

2. Васфий бирикма қолипидаги соматик иборалар

Морфологик ва синтактик тузилишига кўра мавсуф ва сифатдан таркиб топган соматик иборалар ҳам араб тили лексик фондида салмоқли ўрин тутади. Бу моделда соматизм асосан мавсуф, яъни сифатланувчи вазифасида келади, унга эргашиб келувчи сифат эса мазкур тана аъзосининг мажозий хусусиятини очиқ беради. Сифатланувчи ва сифат ўртасидаги жинс, сон, келишик ва аниқ-ноаниқликдаги тўлиқ мослик бу

ибораларнинг шаклий ва мантикий яхлитлигини таъминловчи асосий омилдир (Abu Saad, 1987, p. 258).

Мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, кўплаб замонавий иборалар айнан шу қолип асосида пайдо бўлган:

«القبضة الحديدية» (темир мушт) – давлат бошқаруви ёки бирор вазиятда қаттиққўллик, зўравонлик ҳамда мурасасизлик билан ҳаракат қилишни англатади.

«التصفية الجسدية» (жисмоний йўқ қилиш) – матбуот ва сиёсий лексикага хос бўлиб, рақибни ёки муҳолифни жисмонан маҳв этиш жараёнини сифатловчи васфий бирикма қолипидадир.

«عين حادة» (ўткир кўз) – инсоннинг кузатувчанлик, зийраклик ва ўта эътиборлилик каби интеллектуал қобилиятларини ифодаловчи соматик васфий ибора.

«الألسنة الطويلة» (узун тиллар) – ғийбатчилар, ёлғон сўзловчилар ва сир сақлай олмайдиган одамларни англантиб, кўплик шаклидаги васфий бирикма орқали берилган.

3. Феълли бирикма қолипидаги соматик иборалар

Араб тили синтаксисида феълли гаплар динамиклик, ҳаракат ва ҳолатнинг ўзгаришини ифодалашда энг маҳсулдор қурилмалар сирасига киради. Соматик фразеологизмларнинг катта қисми айнан феълли бирикма қолипида шаклланган бўлиб, уларда тана аъзосини англатувчи сўз гапта ё бажарувчи *فاعل* - фоил, ёки тушум келишигидаги тўлдирувчи *مفعول به* - мафъулун биҳи синтактик вазифасини бажаради. Бу турдаги иборалар инсоннинг ҳис-туйғулари, кечинмалари ва фаол ҳаракатларини вербаллаштиришда муҳим аҳамият касб этади (Ushakov, 1996, p. 68).

Тадқиқот манбаларида қайд этилган қуйидаги мисоллар мазкур моделнинг лингвистик табиатини ёрқин кўрсатиб беради:

Соматизм фоил вазифасида келган моделлар: Бу қурилмада ҳаракат тўғридан-тўғри тана аъзоси томонидан бажарилаётгандек тасвирланади ва бу орқали кучли экспрессивликка эришилади.

«زأغت عينه» (кўзи оғди / чалғиди) – мазкур иборада «عينه» (кўзи) сўзи фоил позициясида жойлашган. Ибора инсоннинг диққати бўлинганини, ўзини йўқотиб қўйганини ёки бирор нарсага ҳаддан ташқари ҳайрат билан қараганини ифодалайди.

«طار من رأسه» (бошидан учди) – инсоннинг бирор нарсани бутунлай унутиб юборганини ёки ёдидан кўтарилганини англатувчи ибора. Бу ерда феъл абстракт тушунчага нисбатан ишлатилиб, «бош» маконни билдирувчи восита сифатида келган.

«غاص قلبه» (юраги чўкди / тушди) – қаттиқ кўркув ёки хавотир натижасида юзага келадиган руҳий ҳолатни билдиради. «قلب» (юрак) фоил сифатида ҳаракатнинг марказига олиб чиқилган.

Соматизм мафъулун биҳи вазифасида келган моделлар: Бу ҳолатда инсоннинг тана аъзоси ташқи таъсир объектига айланади ва аксарият ҳолларда инсоннинг онгли ёки беихтиёр қилган хатти-ҳаракатини ифодалайди.

«يدفن الرؤوس في الرمال» (бошларни қумга яширмақ) – туякушнинг хатти-ҳаракатидан олинган машхур мажозий ибора. Синтактик жиҳатдан «يدفن» (яширади) – феъл, «الرؤوس» (бошларни) – мафъул, «في الرمال» (қумга) – ҳол-ўрин эргаш гапидир. Маъноси инсоннинг реалликдан қочишини, муаммоларга кўз юмишини англатади.

«نكس رأسه» (бошини эгди) – мағлубиятни тан олиш, таслим бўлиш ёки қаттиқ уялиш ҳолатини тавсифлайди.

«ضرب وجهه بيديه» (қўллари билан юзига урди) – кучли қайғу, афсус ва умидсизликни билдирувчи кинесик фразеологизм бўлиб, унда бир йўла иккита соматизм («وجه» – юз ва «يد» – қўл) иштирок этган. Юз сўзи тўлдирувчи, қўл эса восита синтактик позициясида шаклланган.

«أكل وجهه» (юзини еди) – кимнидир қаттиқ койиш, унга маломат қилиш маъносини беради. Бу ерда «وجه» инсоннинг кадр-қиммати ва обрўси рамзи сифатида объект вазифасига ўтган.

4. Исмли бирикма қолипидаги соматик иборалар

Араб тилидаги исмли гаплар предмет ёки шахснинг доимий хусусиятини, барқарор ҳолатини ва сифатини кўрсатишга ихтисослашган. Соматик ибораларнинг мубтадо ва хабар қолипида келиши кўпинча шахснинг феъл-атворини, темпераментини ёки ўзгармас жисмоний/руҳий ҳолатини таърифлаш учун хизмат қилади (Morozova, 2004, p. 55).

Бу моделда тана аъзосини англатувчи лексема аксарият ҳолларда мубтадо, яъни эга бўлиб, унинг ортидан келувчи сифат, от ёки предлогли бирикма хабар, яъни кесим вазифасини ўтайди.

«عقله في رأسه» (ақли бошида) – шахснинг онгли, мулоҳазакор ва ақлли эканлигини тасдиқловчи номинатив ибора. Мубтадо «عقل» (ақл) ва унга бириккан олмошдан иборат бўлса, хабар «في رأسه» (бошида) шибҳ жумла шаклида келган.

«يده طويلة» (қўли узун) – ушбу иборанинг прагматик маъноси контекстга қараб икки хил талқин қилинади: биринчидан, қудратли, ҳамма нарсага таъсири ўтадиган эътиборли шахсга нисбатан ишлатилади; иккинчидан эса, ўғирликка мойил, таъмагир шахсни ҳам англатиши мумкин. Синтактик жиҳатдан бу тўлақонли исмли бирикмадир.

«قلبه مكسور» (юраги синиқ) – мубтадо («قلب») ва сифатдош шаклидаги хабар («مكسور»)дан таркиб топган. Руҳий тушкунлик, қаттиқ хафагарчилик ва умидсизлик каби эмотив ҳолатларни ифодалайди.

«عينه مصيبة بسوء» (кўзи ёмонликка мубтало / кўзи тегадиган) – хурофий ва мифологик қарашлар асосида шаклланган ибора. Эга позициясидаги «عين» (кўз) ёмонлик келтирувчи фаол субъект сифатида тасвирланган.

Ушбу модел доирасидаги иборалар статик хусусиятга эга бўлиб, гап ичида мустақил фикрни ифодалаш қувватига эга ёки бошқа гап бўлаги таркибида изоҳловчи (صفة) вазифасида келиши мумкин.

5. Шибҳ жумлалари қолипидидаги соматик иборалар

Араб синтаксисидида ҳарфи жар, яъни предлог ва мажрур, яъни предлог билан келган исм ёки зарф ва музофун илайҳдан таркиб топган қурилмалар «шибҳ жумла» деб аталади. Соматик лексика иштирокидаги шибҳ жумлалар асосан ҳаракатнинг маконини, замонини, мақомини ёки ҳолатини кўрсатиш учун ишлатилади (Fayed, 2001, pp. 899-902). Улар жумлада мустақил адвербиал вазифани бажариб, гапнинг семантик кўламини кенгайтиради.

Қуйидаги иборалар ушбу моделнинг сермахсул эканини исботлайди:

«على كف عفريت» (жиннинг кафтида) – ўта хавфли, қалтис ва ноаниқ вазиятни ифодаловчи машҳур ибора. «على» (устиди) предлоги билан бошланган ушбу шибҳ жумла гапда асосан ҳол вазифасида келиб, хавф-хатарнинг юқори чўққисини мажозий тарзда жонлантиради.

«وجها لوجه» (юзма-юз) – макон ва ҳолатни билдирувчи соматик бирикма. Инсонларнинг бир-бири билан бевосита, очик ва тўғридан-тўғри учрашиши ёки тўқнашишини билдиради.

«من الرأس للقدم» (бошдан оёқ) – ҳаракат ёки ҳолатнинг қамров даражасини ифодалайди. Бу ерда иккита қарама-қарши кутбдаги тана аъзолари («رأس» ва «قدم») воситасида чегаранинг тўлиқлиги таъкидланган.

«تحت يده» (қўли остида / тасарруфида) – бошқарув, эгалик қилиш ва ҳокимиятни билдирувчи зарфий (ظرف مكان) шибҳ жумла. «يد» (қўл) бу ўринда куч ва назорат рамзи сифатида метафорик кўчимга учраган.

«على الرأس والعين» (бош ва кўз устига) – мутлақ розилик, бажонидил қабул қилиш ва ҳурматни ифодаловчи этикет фразеологизмидир. Шарқ маданиятида бош ва кўз энг азиз аъзолар саналгани учун, бирор ишни шу аъзолар воситасида бажаришга тайёрлик юксак эҳтиромни билдиради.

Ушбу моделдаги иборалар кўпинча мустақил маъно ташувчи предикатларга боғланиб, уларнинг экспрессив-эмоционал бўёқдорлигини оширишга хизмат қилади.

Араб тилидаги соматик ибораларнинг семантик хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, маълумки, тилшуносликда фразеологик бирликларнинг семантик таснифи инсоннинг

тафаккур тарзини ва борликни қабул қилиш хусусиятларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Ибтидоий даврлардан бошлаб инсон энг аввало ўз танасини, сўнгра унинг воситасида атроф-муҳитни англаган ва унга таъриф берган. Шу боисдан, инсон тана аъзолари номлари мажозий маънода қўлланилиб, фикр ва туйғуларни янада ёркинроқ ифодалашга хизмат қилади. Араб тили лексикографияси ва фразеологик луғатлари таҳлили шуни кўрсатадики, соматик бирликлар орасида энг фаол луғавий бирликлар «رأس» (бош), «قلب» (юрак), «عين» (кўз), «يد» (қўл) ва «قدم» (оёқ) ҳисобланади. Бу аъзоларнинг физиологик вазифалари умуминсоний характерга эга бўлгани сабабли, уларнинг фразеологиядаги мантикий ва мажозий акс этиши ҳам турли тилларда кучли ўхшашликни намоён қилади.

Семантик нуқтаи назардан араб тилидаги соматик фразеологизмларни қуйидаги асосий тематик гуруҳларга ажратиш мумкин (Morozova, 2004, pp. 66-96):

1. Инсоннинг табиати, характери ва ақл-заковатини тавсифловчи иборалар: Бу гуруҳга инсоннинг интеллектуал салоҳияти, хотираси ва хулқ-атворини баҳоловчи бирликлар киради. Кўпинча бу жараёнда «бош», «юз» ва «тил» каби соматизмлар етакчилик қилади.

Интеллект ва ақлий ҳолатни билдирувчи: «عقله في رأسه» (ақли бошида – ақлли, мулоҳазакор); «ركب رأسا» (бошига минди – ўйламай, таваккал ҳаракат қилмоқ).

Характер ва маънавий қиёфани билдирувчи: «صفيق الوجه» (юзи қалин – беюз, уятсиз); «ذو الوجهين» (икки юзли – мунофиқ); «طويل اللسان» (тили узун – гап қайтарувчи, тили заҳар). Мазкур иборалар шахснинг ижтимоий муносабатлардаги салбий жиҳатларини кескин коралаш учун ишлатилади.

2. Инсоннинг рухий-эмоционал ҳолати ва кечинмаларини ифодаловчи иборалар: Инсон ҳис-туйғуларини (кўрқув, қувонч, ҳайрат, қайғу) ифодалашда «юрак», «кўз» ва «қон» каби соматизмлар алоҳида фаоллик кўрсатади.

«أظلمت الدنيا في عينيه» (Дунё кўзига қоронғи кўринди) – қаттиқ қайғуга ботиш, умидсизликка тушиш ҳолатини тасвирлайди.

«إبيض وجهه» (юзи оқарди – хурсанд бўлди) ва «إسود وجهه» (юзи қорайди – шарманда бўлди) каби бирликларда ранг ва соматизм уйғунлиги орқали эмоциянинг ташқи кўриниши берилади.

«يأكل قلبه الأسى» (юрагини қайғу емоқда) – ички изтироб ва кучли психологик босимни ифодаловчи ўта таъсирчан метафорик иборадир.

3. Инсоннинг хатти-ҳаракатлари ва фаолиятини ифодаловчи иборалар: Бу семантик гуруҳда жисмоний ёки ижтимоий ҳаракатни англаувчи бирликлар жамланган бўлиб, уларда ҳаракатга оид аъзолар, хусусан, «қўл», «оёқ» ва «оғиз» иштирок этади.

«مد يد المساعدة» (ёрдам қўлини чўзмоқ) – кимгадир кўмак бериш.

«ذر الرماد في العيون» (кўзларга кул сочмоқ) – алдамоқ, кўз бўямачилик қилмоқ.

«كسر أنفه» (бурнини синдирди) – кимнингдир кибрини синдириш, кеккайишига барҳам беришни англатади.

Тил доимий равишда ривожланиб борувчи тирик тизим бўлганлиги сабабли, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар фразеологияда ҳам ўз аксини топади. Замонавий араб матбуоти тилида анъанавий лексик бирликларнинг янги мажозий, яъни ишоравий маъно касб этиши кузатилмоқда (Fayed, 2001, p. 910).

Тадқиқотчи В.К. Фаиднинг таъкидлашича, замонавий фразеологиядаги янгиланишлар асосан қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

Сўзларнинг янги мажозий маънога эга бўлиши: Илгари фақат соғлиқни сақлаш ёки кундалик маиший ҳаётда ишлатилган тиббий-соматик терминлар сиёсат ва иқтисодиёт майдонига кўчиб ўтган. Масалан, «التصفية الجسدية» (жисмоний тасфия/йўқ қилиш), «القبضة الحديدية» (темир мушт), «نبض الشارع» (кўчанинг пульси / жамоатчилик кайфияти).

Янги коннотатив маъноларнинг пайдо бўлиши: Иқтисодий жиноятларни ифодалаш учун «غسل الأموال» (пулларни ювиш), жамиятдаги таъсир доираси кучли бўлган бойларни тавсифлаш учун эса «القطط السمان» (семиз мушуклар) каби иборалар муомалага киритилган. Инсонга хос кўриш чегараларини сиёсий тақиқларга нисбатан қўллаш оқибатида «الخطوط الحمراء» (қизил чизиклар) ибораси кенг оммалашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, замонавий матбуотда кенг қўлланилаётган бундай соматик ва коннотатив фразеологизмларнинг аксарияти замонавий араб лексикографиясида етарлича акс эттирилмаган (Fayed, 2001, p. 910). Илмий таҳлиллар натижасида олинган 27 та янги иборадан таркиб топган тажриба намунасининг луғатларда қайд этилиши ўрганилганда, қуйидаги лексикографик бўшлиқ аниқланган:

Қоҳира Араб тили академияси томонидан тузилган «Ал-Мўъжам ал-Васийт» луғатида ушбу рўйхатдан фақат битта (1:27) ибора қайд этилган.

Араб лигаси кўмагида чоп этилган «Ал-Мўъжам ал-Арабий ал-Асасий» луғатида атиги тўртта (4:27) ибора берилган.

Аҳмад Абу Саъднинг махсус фразеологик луғатида ҳам ушбу замонавий ибораларнинг 50 фоизга яқинигина (13:27) ўз аксини топган.

Бу ҳолат замонавий араб тили фразеологик фондини инвентаризация қилиш ва уларни махсус соҳа луғатларига киритиш нақадар долзарб эканлигини кўрсатади.

Хулоса. Араб тилидаги соматик компонентли фразеологик бирликларнинг таркибий-синтактик ва семантик таҳлили тилшунослик, хусусан, араб лексикологияси ва фразеологияси учун қатор муҳим хулосаларни келтириб чиқаради. Инсон тана аъзолари номлари иштирокида ҳосил бўлган иборалар араб тили фразеологик фондининг энг маҳсулдор, қадимий ва айни пайтда доимий янгиланиб турувчи қатламини ташкил этади.

Статистик ва семантик кузатувлар шуни кўрсатдики, «رأس» (бош), «قلب» (юррак), «عين» (кўз), «يد» (қўл) ва «قدم» (оёқ) каби лексемалар ибора ясашда энг юқори частотага эгадир.

Таркибий-синтактик нуқтаи назардан араб тилидаги соматик фразеологизмлар асосан бешта қатъий модел асосида шаклланади: изофий бирикма, васфий бирикма, феълли бирикма, исмли бирикма ва шибҳ жумлалли бирикма. Бу моделлар ибораларнинг гап ичидаги синтактик вазифасини белгилабгина қолмай, уларнинг мантиқий ва грамматик бутунлигини ҳам таъминлайди. Изофий ва васфий моделлар кўпроқ номинатив вазифани бажариб, ҳодиса ва шахсларни тавсифлашга хизмат қилса, феълли ва шибҳ жумлалли моделлар инсоннинг психологик ҳолати, динамик хатти-ҳаракатлари ва вазиятни ифодалашда кенг қўлланилади.

Семантик жиҳатдан олиб қаралганда, соматик ибораларнинг улкан қисми шахснинг ақл-заковати, характери, руҳий кечинмалари ва ижтимоий ҳаракатларини баҳолаш учун хизмат қилади. Замонавий араб оммавий ахборот воситалари тили таҳлили эса фразеологияда кучли лексико-семантик силжишлар юз бераётганини исботлайди. Илгари тор доирада ишлатилган тиббий, ҳарбий ёки кундалик маиший соматизмлар бутунги кунда сиёсат, иқтисодиёт ва ижтимоий муносабатларни ифодаловчи ўткир мажозий маъноларни касб этмоқда.

Шунга қарамай, замонавий араб лексикографияси бундай янгилашларни ўз вақтида тўлиқ қайд этишга улгурмаётгани тадқиқот давомида аниқланди. Танлаб олинган замонавий соматик ибораларнинг йирик изоҳли луғатларда ўта паст кўрсаткичда, баъзан 10-15 фоиз акс этганлиги соҳа мутахассислари олдида янги фразеологик ва соҳавий луғатлар яратиш заруратини келтириб чиқаради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, араб тилидаги соматик компонентли фразеологик бирликлар лингвистик, лингвомаданий ва когнитив аҳамиятга молик бўлиб, уларнинг таркибий ва семантик табиатини ўрганиш араб тили тафаккури ҳамда замонавий тил таракқиёти қонуниятларини теранроқ англашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Abu Saad, A. (1987). Dictionary of Arabic Idiomatic Structures and Expressions. Mu'jam al-tarakib wa al-'ibarat al-istilahiyya al-'arabiyya. – Beirut: Dar al-'Ilm lil-Malayin. – 412 p. (in Arabic)
2. Fayed, W.K. (2001). Some Forms of Idiomatic Expressions in Contemporary Arabic. Ba'd suwar al-ta'birat al-istilahiyya fi al-'arabiyya al-mu'asira. – Damascus: Majallat Majma' al-Lugha al-Arabiyya. – 22 p. (in Arabic)
3. Husamuddin, K.Z. (1985). Idiomatic Expression. Al-Ta'bir al-istilahi. – Cairo: Maktabat al-Anglo al-Misriyya. – 250 p. (in Arabic)

4. Morozova, V.S. (2004). Somatic Phraseological Units of the Arabic Language. Somaticheskiye frazeologicheskiye yedinitsey arabskogo yazyka. – Moscow: Vostochnaya Literatura. – 180 p. (in Russian)

5. Ushakov, V.D. (1996). Comparative Structural Classification of Phraseological Expressions of the Quran and Classical Arabic. Sravnitel'naya strukturnaya klassifikatsiya frazeorecheniy Korana i arabskogo klassicheskogo yazyka. – Moscow: Nauka. – 254 p. (in Russian)

6. Sini, M.I. (1996). Contextual Dictionary of Idiomatic Expressions. Al-Mu'jam al-siyaqi lil-ta'birat al-istilahiyya. – Beirut: Maktabat Lubnan Nashirun. – 145 p. (in Arabic)

7. Dawud, M.M. (2003). Dictionary of Idiomatic Expression in Contemporary Arabic. Mu'jam al-ta'bir al-istilahi fi al-'arabiyya al-mu'asira. – Cairo: Dar Gharib. – 815 p. (in Arabic)

8. Abu Zallal, I.A. (2005). Idiomatic Expressions Between Theory and Practice. Al-Ta'abir al-istilahiyya bayna al-nazariyya wa al-tatbiq. – Alexandria: Dar al-Wafa'. – 246 p. (in Arabic)

9. Fayed, W.K. (2007). Dictionary of Idiomatic Expressions in Contemporary Arabic. Mu'jam al-ta'abir al-istilahiyya fi al-'arabiyya al-mu'asira. – Cairo: Al-Hay'a al-Misriyya al-'Amma lil-Kitab. – 622 p. (in Arabic)